

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Р.Пулатова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

К.Щопулатова

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестиция фаолиятини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган йўналишлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши инвестицияларга бевосита боғлиқдир. Иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан туриб иқтисодиётни барқарор ўстириш, асосий капитални янгилаш ва бутун молия-инвестиция соҳада таркибий ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциялашуви мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилиши табиийдир. Бу борада инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий банкларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги ролини кучайтириш, молиялаштиришнинг замонавий усулларида фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни ижобий ва салбий омиллар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши ва унинг инвестицион жозибадорлигининг ошишида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, инвестиция муҳитига салбий таъсир қилувчи омиллар камайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ тортиш ставкаларини камайитириш,

солиққа тортиш базасини пасайтириш ва солиқдан бутунлай озод қилиш каби шакллари қўлланилади. Республикада фойда солиғи бўйича кўпроқ тарқалган имтиёз – бу фойданинг солиққа тортиладиган базасини озод қилиш, қисман озод қилиш ва камайтиришдир. Республикада инвестиция фаолиятини тартибга солиш амалиётида қўлланилаётган солиқ имтиёзлари ва рағбатлантириш омиллари тизими мустақиллик йилларида кенгайтирилиб, такомиллаштирилиб борилди.

Жадвал

Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигига таъсир қилувчи омиллар²⁸

| Ижобий омиллар | Салбий омиллар |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> - тинчлик ва осойишталик; - макроиқтисодий муҳит; - қулай иқтисодий-географик жойлашув; - бозор ҳажми; - таббий ресурслар кўплиги; - арзон ишчи кучи; - солиқ имтиёзлари; - энергия ресурслари ва коммунал хизмат кўрсатиш нархлари нисбатан арзонлиги; - инвестиция фаолиятининг рағбатлантирилиши. | <ul style="list-style-type: none"> - банк-молия тизимининг етарлича ривожланмаганлиги; - коррупция ҳолатлари мавжудлиги; - солиққа тортиш механизмидаги камчиликлар; - бизнесни юритишда расмиятчилик ҳолатлари; - инновацион ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги; - маҳаллий ҳокимиятнинг бизнесга аралашуви; - республика минтақаларида интернетнинг яхши ишламаслиги; - инфратузилманинг ривожланмаганлиги. |

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони солиқ сиёсатида янги саҳифа очди. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юқини камайтириш, республикамизнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юқламаси, барча жисмоний шахслар даромадларига 12 фоизлик ягона солиқ ставкаси жорий этилиши орқали пасайтирилди. Бизнес учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди.

Юридик шахслар айланмалари (нақд пул тушуми)дан ундириладиган давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди, юридик шахслар фойдасига солиқ ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун эса 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилди.

Қўлланилаётган имтиёзларнинг амал қилиш механизмлари инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестициялари оқимини кўпайтиришга қаратилган.

Жаҳонда юз бераётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар, хусусан, айрим давлатларга Ғарб

мамлакатлари томонидан санкцияларнинг қўлланилиши, “катта” давлатлар ўртасидаги сиёсий можоралар жаҳон иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган шароитда, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини қидириб топиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо ҳамкорлари билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали салоҳиятли инвесторлар сонини ошириш зарурияти юзага келмоқда. Шу билан биргаликда инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг илғор хориж тажрибасини ўрганиш асосида унинг ижобий тарафларини миллий иқтисодиётимизда жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш иқтисодиётда мулкдорларни кўпайтириш, йирик объектларни ишга тушириш орқали ишсизлик муаммосини хал қилиш, мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдорини ўстириш, иқтисодиётни техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш имкониятларини оширади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бозорларни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантирувчи хўжалик юритувчи субъектларни, яъни, йирик компания ва корпорацияларнинг кўпайишини таъминлайди.

Таклиф-тавсиялар

Эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимиз инвестицион жозибadorлигини янада ошириш учун қуйидаги таклиф-тавсияларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш тизимишаффофлигини таъминлаш ва бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
2. Инновация соҳасида маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ривожлантириш;
3. Янги инвесторларни жалб қилиш учун иқтисодиёт шаффофлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ рухсат берувчи ҳужжатлар сонини қисқартириш ва соддалаштириш;
4. Стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилмаларни ривожлантириш ва уларни молиялаштириш;
5. Хом-ашё ва табиий ресурслар экспорти билан боғлиқ тушумларга боғлиқликни пасайтириш мақсадида иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш, шунингдек, инвестицияларни инновация соҳалари вақайта ишлаш тармоқларига йўналтириш;
6. Мамлакатимиз вилоят ҳокимликлари расмий сайтида вилоятнинг инвестицион жозибadorлигини очиқ берувчи махсус web саҳифаларни очиш ва унда инвесторлар учун зарур бўлган барча маълумотларни учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз) тўлиқ таъминлаш ва маълумотларни доимий янгилаб боришни йўлга қўйиш лозим;
7. Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилган инвестицион муҳит ва мамлакатимиз минтақаларининг инвестицион жозибadorлигини хорижий ОАВ ва интернет тармоғи орқали кенг тарғибот қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. ЎРҚ-598.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

3. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. -324 б.
4. Раимжонова М.А. Эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истикболлари. Монография. Т.: Extremum-press, 2013. -176 б.